



САМЪОНИЙЛАР ОИЛАСИ ИЛМИЙ МЕРОСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12525174>

Юсупов Ҳалилуллоҳ Сади ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Самъонийлар оиласи илмий мероси ва унинг Хуросон илмий муҳитида тутган ўрни ҳақида тадқиқот қилинади.

Калит сўзлар

Моза Бухорийлар сулоласи, Ибн Манда сулоласи, Самъонийлар сулолалари.

Кириш қисми: Мовароуннаҳр ва Хуросон диёрларида илм-фан билан дунёга доврўғи кетган машҳур оилалар яшаб ижод қилишган. Фикҳ, калом ва ҳадис илмлари борасида Ислом меросига ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшишган. Мовароуннаҳрда Моза Бухорийлар сулоласи, Хуросонда Ибн Мандалар ҳамда Самъонийлар сулолалари ёрқин мисол. Шулардан Самъонийлар оиласи тадқиқот мавзуси ҳисобланади.

Ҳадис илми ва усулул фикҳ китобларида сўзлари далил сифатида келтириладиган Абу Музаффар Самъоний ҳамда Абу Саъд Самъоний ушбу муборак сулола вакиллари бўлишган. Самъонийлар оиласи Хуросоннинг Марв шаҳрида яшашган. Хуросон тарихида асрлар давомида ушбу сулола авлоддан авлодга илм-маърифат таратишган. Хусусан, Абу Саъд Самъоний ўзининг шоҳ асари “Ал-ансоб” билан шарқ ва ғарб тадқиқотчиларига яхши таниш. Асардаги мовароуннаҳрлик олимлар таржимаи ҳоллари ўзбек тилига таржима қилинган.

Асосий қисм: Самъоний нисбати тамим қабилаларидан бирига тегишли бўлиб, сулола ушбу нисбат билан танилган. Самъонийлар оиласи ҳақида олимлар мақтовли сўзлари бизгача етиб келган. Тожиддин Субкий шофеъий мазҳабидаги олимлар библиографияси китобида Абу Саъд Самъоний ҳақида Хоразмийнинг: “Самъоний оиласи Ислом юртларида қадрли баланд оилалардан биридир. Шаръий илмларда пешқадам бўлиб, Абу Саъднинг ота-боболари илм-маърифат ва одоб-ахлоқда даврининг фозил ҳамда ўрناق шахсиятларидан бўлишган”, деган фикларини келтирган. Ибн Асир сулола ҳақида: “Самъонийлар илм-маърифат хонадони бўлиб, дунё ва дин саодатига эришган”, деб айтади. Мисрлик олим Абдулазим Мунзирий жарҳ ва таъдил рисоласида: “Менга Абу Музаффар Абдурахим Ҳофиз хабар берди”, деб у



кишини “الأصيل” (араб: аслзода, таг-тугли, оқсуяк”) дея алкаган. Мунзирийнинг устози Абу Музаффар самъонийлар сулоласига мансуб бўлиб, Абу Саъд Самъонийнинг ўғли бўлган. Бу сифат билан Мунзирий у кишини зиёлилар оиласи вакили эканини назарда тутган.

1. Сулола вакилларида энг каттаси Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад(ваф. 450)дир. У киши марвлик бўлиб, замонининг қозиси, ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан бўлган. Тарихшунос Заҳабий олимнинг таржимаи ҳолини келтириб, у кишини “такводор зот, араб тили билимдони, луғатшунос” деб сифатлаган. Абу Саъд Самъоний: “Отабоболаримиз орасида илк ҳадис айтган зот”, деб эслаган. Олимнинг турли мавзуларда битилган асарлари бўлиб, “Тухфатул ийдайн”, “Духулул ҳаммам”, “Мажмуъ ғароибул аҳадис” ва араб тили грамматикасига оид бошқа асарлари шулар жумласидандир.

2. Сермаҳсул ижод қилган сулола вакилларида бири Абу Музаффар Самъоний бўлиб, тўлиқ исмлари Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмаддир. Тарихшунос Заҳабий айтади: “Отаси Абу Мансур ҳузурида таълим олди. Ҳанафий мазҳабида кўзга кўринган фақиҳга айланди. Абу Ҳасан Абдулғофир олимни эслаб: “Илм-маърифат, зуҳд ва таквода асрини ягонаси эди. Ҳадис китобларини мутолаа қилди. Ҳаж сафарига борди.”, деган. Абу Саъд Самъоний олимнинг асарларини санаб: “Тафсир, фикҳ, усулул фикҳ ва ҳадис илми ҳақида китоб тасниф этди. Тафсир китоблари уч жилдлик”, деган. Олимнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш алоҳида тадқиқот талаб қилади.

3. Абу Музаффар Самъонийнинг акалари Абул Қосим Али ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмаддир. Абу Саъд Самъоний катта боболарини “фозил олим” деб сифатлаган.

4. Абу Музаффар Самъонийнинг Абу Бакр Муҳаммад номли ўғли сулола давомчиларидан эди. Абу Музаффар ўғли билан фахрланарди, имло мажлисида у ҳақида: “Муҳаммад мендан кўра илмидир”, деб айтарди. У Абу Саъд Самъонийнинг отасидир.

5. Абу Музаффар Абдулвахҳоб ибн Муҳаммад ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад. Абу Саъд Самъоний у киши ҳақида: “Катта акам, отам иккаламизга Нишопурда ҳадис айтган”, деб эслайди. Ун икки ёшида вафот этган.

6. Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад. Абу Саъд Самъоний амакилари эди. Олим амакилари ҳақида: “Зоҳид, такводор эди. Таҳажжуд намозини қанда қилмасди. Одамлардан узлатда эди. Уйдан фақат жумъа куни намоз учун чиқарди. У кишидан кўп ҳадис эшитганман. Мени сийларди, яхши кўрарди”, деб зикр қилган.



7. Абу Мансур Муҳаммад ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад. Абдулкарим Самъой амакиваччалари ҳақида: “Фозил йигит. Шеърятга уста эди. Ундан кўп шеър эшитганман. Қиркка етмай вафот этди”, деган .

8. Абдулкарим Самъонийнинг амакиларидан бири Абул Қосим Аҳмад ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмаддир. Самъоний у киши ҳақида: “Кичик амаким, устозим. Ундан фикҳни таълим олдим. У киши фозил имом, муфтий, машҳур воиз эди. Юксак фазилат соҳиби эди. Отамнинг кўлида тарбия топганди. У кишидан илм олганди. Биргаликда Сарахс ва Нишопурга сафар қилганмиз”, деб эслайди.

9. Абул Ало Али ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор. Абу Музаффар Самъонийдан илм олган.

10. Абу Саъд Абдулкарим ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор. “Ал-ансоб”, “Адабул имло вал истимло” ва бошқа қимматли асарлар муаллифи.

11. Ҳурра бинт Абу Бакр Муҳаммад ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор. Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг опалари. Олим у киши ҳақида: “Солиҳа, ифбатли аёл. Доим Қуръон тиловат қиларди. Яхшилик ҳомийси эди. Солиҳ амалларга шошиларди. Опамга бир неча ҳадис ўқиб бериб ижоза олганман”, деб зикр қилган.

12. Абул Маъолий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мансур ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад. Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг амакиваччаларидан бири. Тарихчи Заҳабий: “Бағдодга келган. У ерда бир муддат воизлик қилган. Бағдодда вафот этган”, деб зикр қилган. Хоразм тарихи китобларида олимни у ерга икки марта борганлиги айтилади.

13. Абул Музаффар Абдураҳим ибн Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад. Абу Саъд Самъонийнинг ўғли. Заҳабий и кишини: “Аллома, муфтий, муҳаддис эди. Диёрида Шофеъий мазҳаби имоми эди”, деб зикр қилган.

14. Абу Зайд Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад. Абу Саъд Самъонийнинг ўғли.

Хулоса: Тадқиқот ва изланишлардан қуйидагилар маълум бўлди:

- Самъонийлар сулоласи имл-маърифат билан танилган хонадан;
- Таржимаи ҳоллари зикр қилинган олимлар 14 та бўлиб, улардан 13 таси эркак, бир нафари аёл киши;
- Самъонийлар оиласига мансуб асарлар сони 88тани ташкил этади;
- Сулола орасида энг машҳурлари Абул Музаффар ҳамда Абу Саъд Самъонийлар;



Узоқ йиллар илм сахнасида пешқадамлик қилган Самъонийлар оиласи сўнги вакиллари мўғил босқинлари чоғида йўқ қилинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Насабнома. Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов, Тошкент-2017.
2. Ас-Самъоний, Абу Саъд Абд ал-Карим ибн Муҳаммад. Китоб ал-Ансоб. 6 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998.
2. Табақотуш шофеъия ал кубро. Тожиддин Субкий.
3. Абдулазим Мунзирийнинг жарҳ ва таъдил илми ҳақида саволларга жавоби, Абдулфаттоҳ Абу Ғудда. Мактабул матбувъа исломия, Ҳалаб. Б:62.